# «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

## Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси Бош ҳуқуқшуноси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

**САВОЛ: мен мактабда психолог вазифасида ишлайман. Бизларга компенсация пули тўланиши керакми ёки йўқми?**

**Ф.ТИЛОБОВ,**
**Қамаши тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига биноан қуйидагиларга энг минимал иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари 2003 йил 1 апрелдан тўлана бошланди ва ойлик иш ҳақига қўшиб берилмоқда:

– барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагоглик маълумотига эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрларига;

– академик лицей, касб-ҳунар коллежлар ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлар, методистлар, тарбиячилар, концертмейстрларига;

– меҳрибонлик уйи тарбиячилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психологларга;

– педагоглик маълумотга эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологларига;

– педагоглик маълумотига эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор методистларига;

– олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари таркиби, ректорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларига, филиалларнинг директорлари ва ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб марказлари бошлиқлари, инженерларига;

– юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагоглик ва илмий педагоглик стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга компенсация тўланади.

Қонунчилигимизда мактабда ишлаб юрган психологларга компенсация пул тўловлари берилиши назарда тутилмаган.

## Қарор ва ижро

***Мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кенг қўламда амалга ошириляпти. Аҳолини, айниқса, қишлоқ хонадонларини табиий газ билан таъминлашни кенгайтириш юзасидан изчил олиб борилаётган ишлар ҳам шунга хизмат қилмоқда.***

# ГАЗДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Бу борада Тошкент вилоят газ таъминоти шуъба корхонасига қарашли шохобчамизда ҳам ибратли ишлар амалга оширилаётир.

Газга фақат ёқилғи тури деб қараш нотўғри. Айни вақтда у бебаҳо хомашё ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу қимматли хомашёни ҳар томонлама тежаб-тергаб сарфлаш, ортиқча исроф бўлишига, талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик лозим. Бунга эришишнинг энг самарали тадбирларидан бири эса, барча корхона, ташкилотларни, уй-жойларни газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашдир. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам шу мақсадга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир.

Бунга кўра газлаштирилган хонадонларга «зангори олов» ўлчагичлари ўрнатилмоқда. Ҳозирда газ тармоқларига уланган уйлар ва якка тартибдаги хонадонларнинг 50 фоизида шундай ўлчагичлар ишлаб турибди.

Туманда газни ҳисобга олиш мосламалари ўрнатилмаган янги қурилган уйлар фойдаланишга қабул қилинмайди. Уларни газ таъминоти мажмуасига улашни истаган аҳолига эса, ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиляпти. Биргина якунланган 2003 йилда жами 3000 донадан зиёд газ ўлчагич мосламалари ўрнатилди. Жорий йилда бу кўрсаткич эса яна бир неча баробарга оширилиши кўзда тутилган.

Айни пайтда аҳоли ва ташкилотлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Газ ўлчагичларнинг ўрнатилиши уй эгалари учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали, газ кўплаб тежаб қолишнинг муҳим омили эканлиги тушунтирилмоқда. Бу эса хонадонларга, корхона, ташкилотларга газ ўлчагичлар ўрнатишни кенгайтириш ва тезлаштиришга жуда катта ижобий таъсир қилишига ишончимиз комил.

**Шуҳрат ТОШПЎЛАТОВ,**
**Бўка туман газ таъминот шохобчаси бош муҳандиси**

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Насиба Тиллахўжаева жавоб беради

**САВОЛ: қандай ҳолларда иш берувчи ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқига эга?**

**Л.НУРМУҲАММЕДОВА,**
**Термиз шаҳри**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида муддатли меҳнат шартномалари тузиш тақиқланмаган. Амалиётда буни четлаб ўтиб бўлмайди, шу боисдан ҳам қонунчилигимизда қандай ҳолларда ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузиш мумкинлигини аниқ белгилаб берилган.

2001 йил 12 май Қонуни билан 2001 йил 4 июндан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 76-моддаси янги таҳрирда баён этилган. Шунга мувофиқ «Муддатли меҳнат шартномалари:

бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномалари тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

корхона раҳбарлари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин».

Меҳнат Кодексининг 76-моддасида келтирилган ҳоллар рўйхати мукаммал бўлиб, ҳам умумий, ҳам идоравий қўшимча қонун меъёрий ҳужжатлари билан шунингдек, локал ёки индивидуал-шартномавий тартибда кенгайтирилиши мумкин эмас.

Ходим билан МКнинг 76-моддасида назарда тутилмаган ҳолларда муддатли меҳнат шартномалари тузилиши шартнома муддати тўғрисидаги шартлар ҳақиқий эмаслиги эътироф этилишига олиб келади.

Жумладан: иш берувчига ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузишга имкон берувчи ҳоллардан бири бажарилажак ишларнинг хусусияти ҳисобланади. Шу муносабат билан бажарилиши учун ходим қабул қилинаётган иш муайян муддат ўтиши билан объектив сабабларга кўра давом эттирилиши мумкин бўлмай қолиши, яъни бу иш муддатли хусусиятга эгалиги аввалдан маълум бўлган ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузишни асосли деб эътироф этиш керак. Хусусан, ўт ёқувчини иситиш мавсумига, рассомни таъмирлаш ишлари тугагунгача, илмий ходимни муайян муддатга режалаштирилган ва молиялаштирилган аниқ тадқиқотни бажариш учун ишга қабул қилиш шундай ҳоллар сирасига киради.

Бундан ташқари, ходим қабул қилинаётган иш доимий хусусиятга эга бўлиши мумкин, бироқ уни бажариш шартлари ходимни номуайян муддатга ишга қабул қилиш имконини бермайди, балки у билан айни муддатли меҳнат шартномаси тузиш заруриятини шарт қилиб қўяди. Масалан, бола туғиш ва уни тарбиялаш муносабати билан таътилда бўлган аёлнинг ишга чиқиш вақтигача, ходим касал бўлганда, таътил даврида, малака оширишда бўлган вақтларида, ходим вақтинча ишда бўлмаганда, унинг иш жойи сақланган бошқа барча ҳолатларда ишга қабул қилиш пайтида муддатли меҳнат шартномаси тузилади.

Энди муддатли меҳнат шартномаси тузишда ходимнинг ўзи манфаатдор бўладиган ҳолни кўриб чиқайлик.

Масалан, ёшга доир пенсия олиб турган шахслар муддатли меҳнат шартномаси тузилишида манфаатдор бўлишлари мумкин, чунки муддатли меҳнат шартномаси тузиб ишга кирган пенсионер ходим икки ойлик пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга, башарти у меҳнат муносабатларини икки ойдан кейин ҳам давом эттириш истагини билдирса, у ҳолда меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади ва шунга кўра пенсиясини 50 фоиз миқдорида олади.

Бундан ташқари, талабалар, фарзанди мактабгача тарбия муассасасида бўлган она ўша муддатга шу муассасага ишга кириш ёки ҳарбий хизматчининг рафиқаси– турмуш ўртоғи мазкур жойда хизматни ўтаб турган муддатда ишлаш истагини билдириб, шундай илтимос билан мурожаат қилиши мумкин ва ҳоказо.

Турли низолар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида иш берувчи ходимдан ёзма ариза олиши лозим бўлади. Чунки низо чиққан тақдирда ходимнинг муддатли меҳнат шартномаси тузишга даъват этган сабабларни кўрсатиб ёзган аризаси, иш берувчи ходимни шундай шартнома тузишга мажбурламаганлигини исботловчи далил сифатида баҳоланади.

Шунингдек, корхона раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан ҳам муддатли меҳнат шартномаси тузишга Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май қонуни билан 2001йил 4 июндан кучга кирган Меҳнат Кодексининг 76-моддасига мувофиқ йўл қўйилади.

Бундан ташқари:

– ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашишни истаган шахслар билан (Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига биноан);

– муқобил хизмат хизматчилари билан (Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига биноан);

– ходимларнинг бошқа тоифалари билан, агар бевосита қонунда назарда тутилган бўлса, муддатли меҳнат шартномаси тузилишига йўл қўйилади.

**САВОЛ: илмий ва педагог ходимлар билан қандай ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузилишига йўл қўйилади?**

**Қ.ЖОЗИЛОВ,**
**Наманган шаҳри**

**ЖАВОБ**: эслатиб ўтамизки, 1992 йили давлат таълим муассасаларининг барча педагог ходимлари, 1993 йили эса илмий тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг ходимлари муддатли меҳнат шартномалари тизимига ўтказилган эди.

Меҳнат Кодексининг амалга киритилиши илгари қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларини у билан мувофиқлаштиришни тақозо этди. Бу ҳол педагоглар ва илмий ходимларни муддатли Меҳнат шартномалари бўйича ишга қабул қилишни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга ҳам тўла тааллуқли эди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 майдаги179-сон қарорига биноан ҳукуматнинг 1993 йил 19- июндаги «Илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотларининг ходимларни ёллашнинг контракт тизимига ўтиши тўғрисида»ги қарори бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1997 йил 17 июндаги қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 августдаги қарорига биноан тасдиқланган «Педагог ходимлар билан Меҳнат шартномалари тузишнинг контракт шакли тўғрисида Низом» Конституцияга зид эканлиги эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 августдаги қарори билан юқорида зикр этилган Низом ўз кучини йўқотган деб тан олинди.

Конституциявий суднинг қарорида муддатли Меҳнат шартномасини фақат аниқ белгиланган ҳолларда тузиш мумкинлиги тўғрисидаги Меҳнат Кодексида мустаҳкамланган меъёр умумий хусусиятга эга бўлиб, барча ходимларга, шу жумладан, педагог ходимларга ҳам татбиқ этилади. Бошқа ҳолларда педагог ходимлар билан муддатли Меҳнат шартномасини тузиш Меҳнат Кодексининг 76-моддаси талабларига ва Конституциянинг Конституция ва қонунлар устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилган 15-моддасига мувофиқ эмас.

Шундай қилиб, илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотларининг ходимлари, шунингдек педагоглар билан, қолган бошқа барча ходимлар каби, муддатли Меҳнат шартномасини фақат Меҳнат Кодексининг 76-моддасида назарда тутилган ҳолларда тузиш мумкин. Кўрсатиб ўтилган ходимлар билан Меҳнат Кодексининг 76-моддаси талабларини ҳисобга олмасдан муддатли Меҳнат шартномасини тузиш қонунга хилоф ҳисобланади ва суд амалиёти айни шу нуқтаи назардан келиб чиқади, шу билан бирга мазкур шартномани қонунга хилоф деб тан олинишига асос бўлади.

# БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ





**САВОЛ: 2003 йилнинг августида олтмиш ёшга тўлдим ва ишловчи пенсионер сифатида пенсиямнинг эллик фоизини олиб ишламоқдаман.**

**Ишхона раҳбари энди ишдан бўшашимни сўрамоқда. Ҳали ишлаш ниятим бор. Қонунчиликда ёшга доир пенсия олаётганлар вазифасидан озод қилинсин дейилганми?**

**Шу ҳақда батафсил тушунтириш берсангиз.**

**А.МАҲМУДОВ,**
**Тошкент вилояти Оққўрғон тумани**

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига асосан ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Конституциянинг 43-моддасига мувофиқ Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 77-моддасида кўрсатилганидек, ўн олти ёшга тўлган ҳар бир шахс меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Ўн беш ёшга тўлган шахслар эса, ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Лекин қонунчиликда фуқароларнинг меҳнат қилиши масаласида уларнинг ёши чекланган эмас.

Агар муассаса раҳбари ёшга доир пенсияга чиққан ходимларни вазифасидан озод қилиш мумкин деган хулосага келган бўлса, бу унинг Конституция талабларидан ва амалдаги қонунчиликдан бехабар эканлигини билдиради.

1993 йилнинг июл ойигача Ўзбекистон Республикаси Меҳнат тўғрисидаги қонунлар Кодексининг 41-моддаси 1-1-бандида ходим, пенсия ёшига етиб, қарилик пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда иш берувчининг ташаббуси билан уни ишдан бўшатиш учун умумий асос сифатида белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг 1993 йил 30 июндаги хулосасига мувофиқ Меҳнат тўғрисидаги қонунлар Кодексининг 41-моддаси 1-1-бандида ходим пенсия ёшига етиб, қарилик пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда иш берувчининг ташаббуси билан уни ишдан бўшатиш учун умумий асос сифатида белгиланганлиги Ўзбекистон Конституциясига мос келмаслиги ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқларига зид эканлиги эътироф этилди. Шунга кўра Меҳнат тўғрисидаги қонунлар Кодексининг 41-моддаси 1-1-банди Конституциявий назорат қўмитасининг хулосасига мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди.

Демак, ходимни у ёшга доир тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши муносабати билан вазифасидан озод қилинишига йўл қўйилмайди. 1996 йилнинг 1 апрелидан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида ходим ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши муносабати билан вазифасидан озод қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳеч қандай асос йўқ.

Меҳнат Кодексининг 107-моддасида меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштиришнинг тартиб ва талаблари кўрсатиб ўтилган. Бу моддага асосан иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари, Меҳнат Кодексининг модда ва бандлари кўрсатилиши ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиши зарур. Шундай экан, агар ходим ёшга доир тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши муносабати билан иш берувчи у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қиладиган бўлса, буйруқда Кодекснинг модда ва бандларини кўрсатишнинг имкони бўлмайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқорида кўрсатиб ўтилган асосларга мувофиқ ходимни ёшга доир пенсияга чиқиши муносабати билан вазифасидан озод қилиш ноқонуний ҳисобланади. Агар шу асосда ишдан бўшатилган ходим меҳнат низомларини кўрувчи органларга ариза билан мурожаат қилса, у мажбуран барча бекор юрган даври учун ўртача ҳақ тўлаш шарти билан ўз вазифасига тикланади. Бу тўланган ҳақ суднинг ҳал қилув қарори билан айбдор бўлган мансабдор шахсдан ундирилиши мумкин. Ходимнинг меҳнат дафтарчасига у ўз вазифасига тикланганлиги тўғрисидаги ёзув киритилади.

Қонунбузарликнинг олдини олиш учун ҳар бир муассасанинг раҳбари ўзининг ҳуқуқий билимини доимо ошириб бориши, касаба уюшма қўмитаси эса, қонунларда белгиланганидек ходимларни қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича доимий назорат олиб бориши зарур.





# ЯНГИ ЙИЛНИНГ
## жўшқин меҳнат мароми

Яқин вақт ичида Попдаги 12-автокорхона водийга ташриф буюрувчи меҳмонларнинг автомобиллари учун замонавий карвонсаройга айланади. Бунинг учун пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Қаранг, уч йил муқаддам ушбу корхона деярли банкрот ҳолатига тушиб қолганди. Натижада энг яхши ходимлар корхонани тарк эта бошлади. Нима қилиш керак?

Шу савол кўндаланг қўйилганида кўпчилик уддабурон, соҳани яхши биладиган раҳбар керак, дея таъкидлашди. Фикрлашиб ташкилотчи Холматжон Содиқовни масъулиятли вазифага тавсия этишди. У ишни инсон омили билан бошлади. Қулай шароит яратиш, меҳнатни қадрлаш, илғорлар тажрибасидан унумли фойдаланиш диққат марказида бўлди. Шу тариқа одамлар қалбида ишонч, иштиёқ уйғонди. Ҳамкору ҳамжиҳатликда ҳайдовчилар корхона шарафи учун курашдилар. Яқинда ушбу автокорхонада бўлганимизда, ўзгаришларни кўриб ҳайратландик. Янги маъмурий бино қуриб битказилибди. Ён-атроф тартибга келтирилиб, ажойиб гулзор барпо этилган. Автоёнилғи қуйиш шохобчаси узоқроқда жойлашгани учун ўзибўларчилик, талон-тарож авжига чиққанди. Энди мазкур шохобча автокорхонанинг ўзига кўчирилибди.

Бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Машиналарни ювиш учун замонавий лойиҳа асосида алоҳида цех қурилмоқда. Ният чет эллик турдош корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш экан. Ҳаёт йўли деб ном олган Қамчиқ довонидан яқин вақт ичида автобуслар қатнай бошлайди. Улар ана шу автокорхонада тўхтаб ўтади.

Автокорхона жамоаси касб байрамини биринчи маротаба ёруғ юз билан кутиб олди. Юк ташишдан олинган даромад 188 миллион 198 минг сўмни, йўловчи ташишдан эса 83 миллион 715 минг сўмни ташкил этди. Ютуқлар ўз-ўзидан келмайди. Унинг орқасида жонкуяр, фидойи кишилар меҳнати ётади. Иноқ жамоада Шаҳрихон Мақсудованинг ўз ўрни бор. У 27 йилдан буён диспетчерлик қилиб, соҳа кишилари орасида танилган. «ҚамАЗ» русумли автомашина ҳайдовчилари Каримжон Солиев, Солижон Раҳмоновлар эса ҳалол меҳнатлари эвазига ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланишган. Уларнинг кўксини «Шуҳрат» медали безади.

Мамадали Сотиболдиев ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Қарийб 30 йилдирки у машинани бенуқсон бошқаради. Бугунги кунда ишловчилар сони 230 кишидан ошди. Уларнинг ҳар бири ўз касбининг масъулиятини қалбдан ҳис қилади. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, ойлик маошлар вақтида берилмоқда, ошхонада бепул иссиқ овқат, чой ташкил этилган, дам олиш хонаси ҳар томонлама намунали. Соф фойданинг бир қисми ижтимоий ҳимояга сарфланмоқда.

**Суратларда: автокорхона ҳаётидан лавҳалар.**
**Т.МАҲКАМОВ олган суратлар**




**Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 6 уйда жойлашган «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси очиқ акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисида қуйидагиларни маълум қилади**

**Маълумот тартиб рақами – 09**

**Умумий йиғилиш ўтказилган сана, вақт:** 2003 йил 26 декабр соат 11-00 да.

**Умумий йиғилиш кворуми:** умумий йиғилишда акциядорлар 100 фоиз қатнашдилар.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарорни қабул қилди:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 июлидаги 363-сонли (6-банди), Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 августдаги 289-сонли (3-банди, 5-абзац) қарорлари, Холдинг компаниясининг «Қайта тиклаш ва ривожлантириш жамғармаси»ни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низоми (3.1 ва 3.19-бандлари)га асосан «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясига, «Асл Ойна» очиқ акциядорлик жамиятининг кредит мажбуриятлари бўйича, Шиша идишлар заводи ишлаши даврида юзага келиши эҳтимоли бўлган 7.8 миллион Евро суммадаги нақд етишмовчилик қисмини Компаниянинг «Қайта тиклаш ва ривожлантириш жамғармаси»дан тўлаб бериш бўйича кафиллик шартномасини қайтариб бериш шарти билан имзолаш ва уни Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига тақдим этиш бўйича ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш компания бошқаруви зиммасига юклатилсин.

**Кузатув кенгаши**



**КИМ ОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**2004 йил 6,13 феврал кунлари соат 11.00 да Республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари ва автомототранспорт воситалари қўйилади:**

1.Фарғона вилояти, Қувасой шаҳрида жойлашган 5-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (5-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси– 41767 АҚШ доллари.**

2. Фарғона вилояти, Ёзёвон туманида жойлашган 6-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (6-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси– 17036 АҚШ доллари.**

3. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманида жойлашган 9-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (9-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси– 3900 АҚШ доллари.**

4. Қашқадарё вилояти, Косон туманида жойлашган 16-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (16-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси – 8466,9 АҚШ доллари**

5. "Мерседес-Бенц С 180" русумли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси–3962, 0 минг сўм.**

6. "Мерседес-Бенц Е 250" русумли, давлат рақами 11 Е 67 28, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси–6335,0 минг сўм.**

7. "ВАЗ-2121" русумли, давлат рақами Л 325 ЛБ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси–1350,0 минг сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Имкониятингизни бой берманг!**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Ким ошди савдолари агентлиги"га мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 8 хона.**

**Маълумот учун телефонлар: 133-25-21, 136-28-75.**

**Факс: 136-06-17**

**www. rkmb. expo. uz**

**Лицензия рақами: 000004**

